

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 63

31.08 2022 йил

Бағдод шаҳарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз низомига асосан фаолият юритувчи Бағдод тумани ХТБ номидан раҳбар Д.Каримова (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи «MIRHAUSSTROY» МЧЖ номидан раҳбар М.Сиддиқов (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

### 1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қаршли Бағдод тумани ХТБга қаршли 30 мактабга бино-иншоотларини қайта қуриш (Реконструкция) ишларини шартномага илова қилинган 28.07.2022 йил кунги №53530 сонли экспертиза хулосаси ва сметага мувофиқ бино-иншоотларини қайта қуриш (Реконструкция) ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда «Буюртмачи» томонидан бино-иншоотларини қайта қуриш (Реконструкция) ишларини келишилган вақтда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр ҳолда ўз муддатда «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажариш вақтида бино-иншоотларини қайта қуриш (Реконструкция) ишларини учун кетадиган қурилиш материаллари ва ишчи кучини ўз ҳисобидан ўзи таъминлайди.
- 1.4 «Пудратчи» бино-иншоотларини қайта қуриш (Реконструкция) ишларини 25 иш кунда тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар яқунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

### 2. ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси 890 000 000 (Саккиз юз тўқсон миллион) сўми ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

### 3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» ҳисоб рақамига олдиндан 30 % аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштира далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сўнг 5 кундан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

### 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни 25 иш кунни яъни 2022 йил 31-август кунидан 2022 йил 01-октябр кунига қадар бўлган муддатда тўлиқ бажаради.
- 4.2 Шартнома икки томонлама имзоланиб, Ҳазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳар иккиси ҳам қонуний қучга эга.
- 4.3 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
  - 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиҳа ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «Буюртмачи» га меърий ҳужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
  - 5.1.2 Объектга лойиҳага биноан бўлган материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;
  - 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
  - 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни бажарилишини таъминлаш;
  - 5.1.5 Объект сугуртасини амалга ошириш;

5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларини назорат органлари томонидан текширишда ортикча қилинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.

5.2 «Буюртмачи»

5.2.1 Календар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажми топшириш;

5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳақ тўлаш;

5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

6.2. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиҳа даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қўшиб қурган зарарни қоплайди.

6.4 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф етишдан озод етмайди.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

7.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Пудратчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг тасири ва истакларига боғлиқ бўлмаган вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити ҳуқуқат тадбирлари ҳокимият органлари қарорлари, ҳарбий низолар ички тартибсизликлар) ва бошқа ҳолларда юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузулган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дарҳол иккинчи томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида (5 кун ичида) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб қўрсата олмайди.

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки қелишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

9.2 Агар қелишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба иктисодий судида қўрилиши лозим бўлади.

## 10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР ҚИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартнома хар кандай киритиладиган кўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар икала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.

10.2. «Буюртмачи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилга нишларни сифати пасайганда.

10.3. «Пудратчи» куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боглик бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха хужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боглик холда ишларни бахоси 50% кунига камайганда.

10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик курилиш, молиялаш имконияти йўкотилганда.

10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор килинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар хажми кийматини тўлайди.

10.5. Шартнома бекор килишга қарор килган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

### 11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қондалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

11.2. Хар икала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

### 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАДЧИ:

Буюртмачи: Бағдод туман ХТБ	Подрядчик: "MIRHAUSSTROY" МЧЖ
Манзили: Бағдод шаҳарчаси Оқ олтин кўчаси	Адрес: Бағдод тумани Фаровон 14
Тел./факс:	Телефон:
ШХР: 401722860302097092100075029	Расчет .счет: 20208000400764465001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 200 158 858	МФО: 01168
ОКОНХ: 97600	Банк: Фаргона "Ипак йўли" АИТ
Газначилик номи: Бағдод тумани бўйича газначилик булинмаси	ИНН: 302689612
Газна х/в: 23402000300100001010	Код по ОКОНХ:
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ	
МФО: 00014	
Газначилик СТИРи: 201122919	
Рахбар:  Д.Каримова	Рахбар:  М.Сиддиқов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi – Shartnoma
2. Loyihaning nomi-Pudrat shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot  
Shartnoma loyixasi Bag'dod tuman Xalq ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 31.08.2022 yil kuni taqdim etilgan.

Bag'dod tuman Xalq ta'lim bo'limi va "MIRXAUSSTROY" MChJ o'rtasida 890 000 000 (sakkiz yuz to'qson million) so'mlik pudrat shartnomasi to'g'risida.

Shartnoma loyixasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Qonuni va amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:



E.Abdullayev



ТАСДИКЛАЙМАН  
Фаргон вилоят Бағдод тумани ХТБ  
мудирини *Д. Каримова*

31.08.2022 йил

Бағдод тумани

Фаргона вилоят Бағдод тумани Халқ таълим бўлими томонидан 19.08.2022 йил кунги лот №22110012140775 билан 30 мактабга бино-иншоотларини қайта қуриш (Реконструкция) ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

### БАЁНИ № 12

Қатнашдилар: Ш.Ураимов - *Мудир ўринбосари*  
Р.Тургунбоев - *Бош мутахассис*  
Р. Имомова -

30 мактаб директори

О.Хайдаров - *Тавар- модий қийматликлар ҳисоби бўйича гириҳ рахбари*

А.Абдурахмонов - *Давлат харидларива шартномалар бўйича бўлим бошлиғи*

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. Yngi Qurilish Farg'ona МЧЖ
2. Азамат Қурилиш Бувайда Файз Х/К
3. Mirhausstroy МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

4. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган голиб иштирокчи Mirhausstroy МЧЖ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

*Ш.Ураимов* Ш.Ураимов

*Р.Имомова* Р. Имомова

*Р.Тургунбоев* Р.Тургунбоев

*О.Хайдаров* О.Хайдаров

*А.Абдурахмонов* А.Абдурахмонов